Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 70 (21. 189) 1992 йил 8 апрель, чоршанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

СУРАТ-ЛАВҲАЛАР



ХЎЖАИКОН СУВИ ТЕРМИЗГА КЕЛАДИ

Сурхондарё вилояти. Хўжаикон яқинидаги тоғ булоқлари манбаларидан бошланувчи 105 километр масофадаги сув йўли ишга туширилди. Эндиликда мазкур магистрал канал Бойсун, Денов, Олтинсой, Қумқўрғон, Ленин йўли, Ангор, Шеробод ва Жарқўрғон районлари аҳолисини оби-ҳаёт билан таъминлашга хизмат қилади.

Бугунга келиб, ушбу сув иншоотида соатига 1600 куб метр сув оқяпти. Яқин вақт ичида бу кўрсаткични икки бараварига ошириш кўзда тутилмоқда. Натижада Термиз шаҳри ва райони аҳолиси ҳам экологик тоза тоғ сувидан фойдаланадиган бўлишади. Ҳозир «Шерободсовхозводстрой» трести қурувчилари иншоотдаги бунёдкорлик ишларини давом эттиришяпти.

Суратларда: 1. Монтажчилар бригадаси бошлиғи Е. Иваткин. 2. Қувур ётқизиш давом этмоқда. 3. Анархол Бўтаева тоғ сувининг кимёвий таркибини текширяпти.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Президент Фармони— юрт дармони

МУСТАҚИЛ ҚАДАМ

Икки йил бурун хўжалигимиз раҳбари Райим Есенқулов билан бўлган суҳбатимиз фермерчиликка йўл очди, десам муболаға бўлмас. Ўшангача йигирмадан зиёд йириклаштирилган бригаданинг ҳар бирида қорамол бўлиб, давлатга сут, гўшт топширилади. Демак, маҳсулот ҳисоб-китоби билан шунча киши шуғулланишга мажбур эди. Барибир йил охирига келиб барчанинг маҳсулотига бир хил ҳақ тўланганлиги оқибатида норозилик келиб чиқарди. Ахир кундалик сутнинг ёғлилик даражаси бригадалар бўйича алоҳида ҳисоб-китоб қилинмас эди-да. Ўшанда, директоримизга фермер хўжалиги ташкил этиб, давлат хўжалиги режасидаги сутни етказиб бераман, дедим. Ўзаро шартнома тузиб, давлатдан ўн минг сўм қарз олдим. Қўшни Қозоғистон бозоридан 15 бош зотли сигир, уч хўкиз харид қилдик. Ўғилларим Асатулла ва Раҳматуллалар билан молхона қурдик. Турмуш ўртоғим Момохон, келинларим Боғдош ва Моҳиралар молларнинг парвариши, сут соғиш билан шуғулландилар. Ярим йил ўтгач, сигирлар сонини 30 бошга етказдик. Натижада 1990 — 1991 йилларда давлатга 91—98 тоннадан сут, ўн тоннага яқин гўшт топширдик. Даромадимиз эвазига аравали трактор сотиб олдик. Ёзги, қишки молхоналарни кенгайтириб, етмиш бошли қорамолга мўлжалладик.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида жумҳуриятимиз Президенти И. Каримов биз, фермерлар билан суҳбатлашганида кўп нарсаларни англадим, Президент қабулидан келгач, ҳамқишлоқларимга фермер хўжаликларининг имкониятлари, жамиятимизда тутадиган ўрни ҳақида гапириб бердим. Ҳозир бизнинг давлат хўжалигимизда Б. Нуралиев, Н. Бегимов, Ҳ. Турдимуродов каби фермерлар ҳам бинойидек ишламоқдалар. Районимиз бўйича эса ўтган йили фермер хўжаликлари жами 441 тонна сут, 82 тонна гўшт топширдилар.

Шу ўринда вилоятимиздаги фермер хўжаликларининг муаммолари ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Жойларда яйлов муаммоси вақтида ҳал этилмаяпти. Ҳар бир фермер учун маълум миқдорда қулай ер ажратилса, ем-хашак, ишчилар учун кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари муаммоси ҳам ҳал бўларди. Қолаверса, барча хўжаликлар раҳбарларининг ҳам фермер хўжаликларига муносабатларини бир хил деб бўлмайди. Давлатдан қарз олиш, молхона қуриш, зарур анжомлар, ем-хашак таъминотида қийинчиликларга дуч келиняпти. Жумҳурият Президентининг бу борадаги Фармонларини бажаришда маҳаллий раҳбарлар бир хилда жон куйдирсалар яхши бўларди!

Э. МАВЛОНОВ,
Дўстлик районидаги Ленин номли давлат хўжалиги фермери.

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармони бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маош ҳисобига кун кўрадиганлар, талабалар ва нафақа олувчиларга, бутун халқимизга катта эътибор ва ғамхўрликдир.

Маълумки, Президентимиз икки дорилфунуннинг ва янги ташкил топган Тошкент меъморчилик ва қурилиш, химия-технология институтларининг профессор-ўқитувчилари билан бўлган учрашувда апрель ойларига бориб 1992 йил 1 чорак якунларига қараб уларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун маошларини оширишга ҳаракат қилишга ваъда берган эди. Ушбу Фармон Президентимиз И. А. Каримовнинг сўзи билан иши бирлигини яна бир бор исботлади.

Президент Фармони эълон қилингач, Беруний номли Тошкент давлат техника дорилфунуни ректорати масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда бутун бошқарув ходимларини ана шу Фармон ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг шу Фармон асосидаги буйруғини ўз вақтида бажаришга тўлиқ сафарбар этди. Натижада 30—31 март кунлари барча талабаларга стипендиялар, профессор-ўқитувчилар, ўқувёрдамчи ходимларга маош ва қўшимча ойликларни тарқатиш ташкил қилинди.

Дорилфунуннинг барча масъул ходимлари, ректор муовини, деканлар ва уларнинг ўринбосарлари, барча гуруҳлар мураббийлари, ижтимоий кафедралар аъзолари факультетлар, гуруҳлар ва ётоқхоналарда тушунтириш ишларини олиб бордилар. Дорилфунунимизда талаба ва ходимларнинг кўплигига қарамасдан, ректорат, бухгалтерия ва молия ходимларининг катта меҳнати туфайли ушбу масъулиятли иш ўз муддатида амалга оширилди.

Дорилфунунимизнинг профессор-ўқитувчилари, ўқувёрдамчи ходимлари ғамхўрликка жавобан таълим жараёнини такомиллаштиришга, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишларни кучайтиришга бутун куч-қувватларини сафарбар этадилар.

И. МИРХЎЖАЕВ,
кафедра мудири, геология ва минералогия фанлари докторн, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА УЮШМАСИ (ЎЗМАИШИЙХИЗМАТУЮШМА)НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисига маиший хизматни яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини шакллантириш, тармоқни бошқаришнинг эпчил ташкилий тузилмасини вужудга келтириш, маиший хизмат корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини кенгайтириш, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш республика давлат-кооператив марказини тугатиб, Маиший хизмат корхоналари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республика уюшмаси (Ўзмаишийхизматуюшма)ни ташкил этиш тўғрисида маиший хизмат корхоналари ва ташкилотларининг таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзмаишийхизматуюшма юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи ҳамда ўз фаолиятини Низомга, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи бошқариш қоидаларига мувофиқ амалга оширувчи барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик ишларини юритувчи субъектларни ва якка тадбиркорларни пайчилик асосларида ихтиёрий бирлаштирадиган хўжалик уюшмасидир.

2. «Узрембыттехника» концерни билан «Узстройреммебельбыт» уюшмаси таркибига кирган фирмалар ва трестларни меҳнат жамоаларининг манфаатларини эътиборга олиб, белгиланган тартибда акционерлик жамиятлари ҳамда жамоа корхоналарига айлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари амалдаги қонунларга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикасининг Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлигини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаларини, бирлашмалар, уюшмалар ва концернларни ҳудудий уюшмаларга айлантирсинлар;

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети билан биргаликда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш район (шаҳар) ишлаб чиқариш бирлашмаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқсинлар.

4. Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар Ўзбекистон Республика уюшмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

маиший хизмат бозоридаги аҳволни ва аҳолининг эҳтиёжини ўрганиш асосида республикада маиший хизматни ривожлантириш концепцияларини, келгусидаги ва қисқа муддатли тараққиёт истиқболи режаларини ишлаб чиқиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар, маиший хизмат бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг, шунингдек, уюшмага кирувчи якка тадбиркорларнинг фаолиятини аҳолининг маиший хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлаш манфаатлари йўлида мувофиқлаштириш;

маиший хизмат соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни ўтказиш, янги техника ҳамда илғор технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, технология ва ностандарт ускуналарни тайёрлаш, тармоқ корхоналарини моддий-техника заҳиралари билан таъминлашда кўмаклашиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга ошириш;

маиший хизмат соҳасида бозор муносабатларини татбиқ этиш, меҳнат жамоаларининг манфаатларини эътиборга олиб, тармоқда давлат корхоналари ва ташкилотларини ижара, акционерлик, жамоа ҳамда бошқа мулкчилик турларига айлантириш борасидаги ишларни ўтказишга кўмаклашиш; тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама мадад бериш, қўшма корхоналарни барпо этиш;

маиший хизмат корхоналари ва ташкилотлари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда давлат бошқарувининг республика ва маҳаллий органлари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифода этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида Ўзмаишийхизматуюшма фаолиятига оид масалалар юзасидан қарор қабул қилсин.

6. «Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлигини Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш республика давлат-кооператив марказига айлантириш тўғрисида» 1990 йил 25 сентябрда чиқарилган Фармон ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БУХОРО ВИЛОЯТИ ТРАНСПОРТ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил ҳалол меҳнат қилганлиги, транспортни ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» унвони берилсин:

Пшеничников Виктор Николаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг Бухоро авиаэскадрильяси командири

Тошев Шомурод Тошевич — 1-Бухоро локомотив депосининг бошлиғи

ва қуйидагилар

Ўзбекистон республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Арабов Қўзи — 1-Бухоро депоси ёнғиндан ҳимоя ускуналарини таъмирлаш чилангари

Жигайлов Сергей Николаевич — 1-Бухоро депосининг тепловоз машинисти

Ильясова Нина Максимовна — 1-Бухоро депосининг сувоқчи-бўёқчиси

Ниёзов Сайфулло Нуриллаевич — 1-Бухоро депосининг вагонларни таъмирлаш чилангари

Обидов Ҳамроқул Остонович — 1-Бухоро депосининг тепловоз машинисти

Ҳусанов Қодир Қосимович — 1-Бухоро депосининг вагонларни таъмирлаш чилангари

Ширинов Омон Хожиевич — 1-Бухоро депоси таъмирлаш-қурилиш бригадасининг устаси

Шишкин Виктор Григорьевич — 1-Бухоро депосининг тепловозларни таъмирлаш устаси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 апрель.

ЭЛЧИ КЕЛДИ

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан Тошкентга келди.

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

САМАРҚАНД, 7 апрель. Бугун бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари билан Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви якунларига бағишланган вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва район ҳокимларининг ваколатлари, кадрлар снёсати, нарх-наво ҳамда қишлоқ хўжалигининг долзарб юмушларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишни Самарқанд вилоят ҳокими П. М. Абдураҳмонов очди. Ҳокимнинг биринчи ўринбосарлари А. Мардиев, Т. Қиличев ва бошқалар кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиқдилар. **(ЎзА).**

УКРАИНА АХБОРОТ МАҲКАМАСИНИНГ БАЁНОТИ

Россия раҳбариятининг Қора денгиз флоти хусусидаги яқинда қилган баёноти муносабати билан Украина Миллий ахборот маҳкамаси баёнот тарқатди. Унда айтилишича, Украина парламентининг қарори билан республика ҳудудида жойлашган барча ҳарбий бўлинмалар 1991 йил 24 августда Украина Олий Кенгашига бўйсундирилган. Ҳар қандай бошқа давлатнинг Украинада жойлашган Қора денгиз флотини ўз ҳуқуқий тасарруфига олишга уриниши мустақил Украинанинг ички ишларига аралашиш деб ҳисобланади.

Игорь ГРУШКО,
ЎзА мухбири.

БАҲОР: БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

РИЗҚ ЙЎЛИ ОЧИЛЯПТИ

● Саткаш қирлари ён бағирларидаги чаман гуллаган ўриқзор-у, бодомзорлар узра тракторлар товушн тинмайди. Фарғона районидаги Ленин номли жамоа хўжалигидаги шу атрофдаги пайкалларда дала ишлари қизғин кетяпти.

— Ерларимиз тошлоқ, шағал бўлгани учун тупроқ ҳарорати 10—12 даражага етиши билан чигит экишни бошлаб юбордик, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О. Сатторов. — Зеро «Фарғона—3» нави биз-нинг хўжалигимизда синовдан ўтган. Шу боис бу нав хусусиятларини яхши биламиз. Ўтган йили ҳам тўлиқ шу навдан экиб, йиллик режани 120 фоизга бажарган эдик.

Хўжалик ерлари саксондан ортиқ ижарачи оилавий звенога бўлиб берилган. Улар ердан қор кўчиши биланоқ ўз далаларига чиқиб экиш мавсумига ҳозирлана бошлаган эдилар. Март ойининг ўрталаридаёқ ерлар экишга шай қилиниб, ой охирида чигит экиш бошлаб юборилди. Қ. Нажмиддинов, С. Мизробовлар бошлиқ ижарачи звенолар аллақачон чигит экишни якунлаб қўйишди. С. Алимов ўз оила аъзолари билан йигирма гектар ерни ижарага олиб, пахта етиштиради. Звено аъзолари чигит экиб бўлишди.

— Икки-уч кун ичида чигит суви бериб олсак, гўза бир текисда, хатосиз унниб чиқади, — дейди ишонч билан тажрибали деҳқон Салим тоға, Умр бўйи шу ерларда меҳнат қилиб келган деҳқоннинг тажрибаси бунга кафолат.

Хўжаликда чигит экиш қизғин кетяпти. Еттита экиш агрегати тиним билмай ҳаракат қилмоқда. М. Шерматов, И. Собиров, И. Аҳмаджонов сингари механизаторлар ғайрат билан ишламоқдалар. Кунига хўжаликда эллик гектардан ортиқ ерга чигит экиляпти. Деҳқонлар чигит экишни апрель ойининг дастлабки ўн кунлигида якунлаш ниятидалар.

Хўжалик бу йил 742 гектар ерга пахта экади. Аммо деҳқончиликнинг бошқа соҳалари ҳам ёддан чиққани йўқ. Беш юз гектарга яқин ерга буғдой ва беда экилган. Ўттиз гектар ерга маккажўхори, саккиз гектарга озуқабоп лавлаги экилди. Бу соҳадаги режа бажарилди.

— Президентимиз И. А. Каримовнинг пахта, дилла маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар харид нархларини ошириш ҳақидаги Фармонини деҳқонлар яхши кутиб олишди, — дейди О. Сатторов. — Шу фармон шарофати туфайли жамоа хўжалиги аъзоларининг иш ҳақлари ошди. Масалан, ўтган йили сувчи бир норма иш учун 4 сўм 65 тийин ҳақ олган бўлса, бу йил 27 сўм олади. Агар механизатор беш гектар майдонга ишлов бергани учун 5 сўм 38 тийин олган бўлса, бу йил шу миқдордаги бажарган иши учун 31 сўм пул олади.

Хуллас, деҳқонларимизнинг ойлик иш ҳақини ўртача икки минг сўмдан юқорироқ қилиб белгиладик.

Ҳа, деҳқон яхши умид билан ерга барака уруғи қадаяпти. Ҳазрат Навоий айтганларидек, ер йиртмоқ бирла ризқ йўли очиляпти.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАККАЖЎХОРИ ЭКИЛМОҚДА

Хўжайли районидаги К. Маркс номли жамоа хўжалиги «Дўстлик» номи билан аталадиган бўлди. Бу жамоа хўжалиги аъзолари емхашак базасини мустаҳкамлаш ҳисобидан гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга эришмоқдалар.

Айни кунларда «Дўстлик» жамоа хўжалигида дон учун маккажўхори экила бошланди. Т. Исмоилов, О. Маметов бошлиқ бригадаларда кунига 6—8 гектар майдонга маккажўхори экилмоқда. Механизаторлардан М. Холдурдиев, Б. Сафаровлар бошқаларга ибрат бўлишяпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП: амалий ишлар

ХАЙРЛИ ТАШВИШЛАР

Узбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг «Узбекистон» ахборот-сиёсий ва маданият маркази иш кўраётганига уч ойдан ошди.

Марказ партия аъзолари ва ХДП тарафдорлари бўлган партиясизлар оммаси ўртасида сиёсий ишлар олиб бормоқда. Ўзбекистон ХДП ташкилотларига қўлланмавий ва амалий ёрдам кўрсатилаётир, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий таълимини ташкил этяпти, зарур партиявий адабиётларни чиқариш ва тарқатиш, турли сиёсий ва жамоат вакиллари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш билан шуғулланяпти. Реклама ишига ҳам катта эътибор қаратилган. Айниқса, марказнинг хўжалик фаолияти кўзга ташланиб қолди. Пуллик мактаблар ва курслар ташкил этиляпти, кичик ва илмий корхоналар, уюшмалар тузилмоқда, аҳолига хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Марказ негизида бозор иқтисодиётига ўтишга кўмаклашиш филиали тузилиб у шартномавий хўжалик ҳисобида ўз харажатларини тўла ўзи қоплаш шароитида иш олиб боряпти. Филиал ишига мутахассислар бошчилик қилмоқда. Айрим шартномавий ишларни эса хўжалик ҳисобидаги гуруҳлар бажармоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни ҳаётимизни кескин ўзгартириб юборди. Иқтисодий алоқаларнинг узилганлиги, нархноларнинг ўсаётгани, пулнинг қадрсизланиб бораётгани кўпгина меҳнат жамоаларини мураккаб аҳволга солиб қўйди. Ҳозир республикада кўп тармоқларда малакали кадрлар етишмаяпти. Шунинг учун филиал Туркистон Ҳарбий округи билан ҳамкорликда заҳираларга бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларни ва Тошкент гарнизони қисмларида хизматни ўтаётган офицерларни қайта ўқитиш бўйича ишларни йўлга қўйди. Бундан кўзланган асосий мақсад йигитлар ҳарбий хизматни тугатганларидан сўнг бозор иқтисодиёти шароитларида ҳаётга тезроқ мослашиб олишларига ёрдам беришдан иборат. Офицерларнинг катта тажрибадан ва билимидан республика фаровонлиги йўлида фойдаланиш ҳозир ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада «Ўзбекистон» марказида муайян тажриба тўпланди. Бу ерда менеджерлар, бухгалтерларни тайёрлаш гуруҳлари ишламоқда. Уларга мўлжалланган ўқув дастурида бозор иқтисодиёти асосларининг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини ўрганиш кўзда тутилган. Корхоналарнинг бозор муносабатлари шароитларидаги ишини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилган. Машғулотлар давомида маркетинг, биржа, брокерлик идоралари фаолияти тўғрисидаги асосий тушунчалар ижтимоий роли ҳам ошиб бораяпти.

«Тест-Юг» кичик илмий ишлаб чиқариш корхонаси Ўрта Осиё ҳудудида автомобиллар ва мотоцикларнинг синовини ўтказмоқда. Чўл ва баланд тоғли жойларда автомототранспорт воситаларининг норматив-техникавий ҳужжатлари ишлаб чиқилаяпти. Ҳамдўстликнинг барча етакчи автомобиль заводларида ишлаб чиқарилаётган автомобиль техникасини республикамизда синовдан ўтказиш тўғрисида аҳдлашувлар мавжуд. ВАЗ, ГАЗ, АЗЛК, КамАЗ корхоналари шу йўналишдаги дастлабки буюртмаларни беришди. Шунингдек, Ирбитдаги мотоцикллар заводи билан ҳам шартнома тузилган. «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Минск мотоцикллар заводи ва бошқа корхоналар билан дастлабки музокаралар ўтказилди. Марказ қошида совутгич ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган «Мадад» кичик корхонаси ишламоқда.

Тиббий билимларнинг назарий ва амалий асосларини эгаллаган хонадон тиббиёт ҳамшираларининг биринчи гуруҳи ўқишни тугаллади. Халқимизда ноанъанавий, айниқса шарқий табобат услубларига бўлган интилиш кучли. Шуни назарда тутиб Марказ яқин орада тиббий косметологлар, уқаловчилар курсларини, ноанъанавий даволаш усуллари мактабини очади. Унда мутахассислар ва экстрасенслар Шарқнинг қадимий табобати воситаларини — ўсимликлар, игна қадаш ва бошқа воситалар билан даволаш усулларини таклиф этадилар. Курсларни тугатганларга мутахассислик шаҳодатномаси ва сертификат берилади. Тушган маблағлар ҳисобидан юксак малакали мутахассислар таклиф этилади. Харажатларнинг қолган қисмини эса «Ўзбекистон» ахборот-сиёсий ва маданият маркази кўтаради. Биз шунга аминмизки, бу харажатлар албатта ўзини оқлайди.

«Бизнес агентлик» тузилмоқда, уйларни, автомобилларни қимматбаҳо буюмлар ва уй-рўзғор буюмларини сотишнинг ким ошди савдоси ташкил этилмоқда. Халқ ижодиёти мактаби, бичиқчилик, ва кийим тикиш курслари, тикувчилик буюмларини ишлаб чиқарувчи кичик цех очилади. Кечқурунлари араб, форс, ўзбек, шунингдек, эски ўзбек тили имлосини ўрганишни истаганлар тўпланмоқдалар. Халқароч лектор фахрийларнинг учрашуви яхши анъанага айланган. Бу ерда улар тажриба алмашиб, ўз мутахассисликларини оширмоқдалар. Ижтимоий-сиёсий ва тарихий мавзу бўйича масалаларни кўтармоқдалр.

Марказ Тошкент шаҳар Акмал Икромов районининг байналмилалчи жангчилари ва заҳирадаги ҳарбийлар бирлашмаси билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Жангчи байналмилалчилар ўз ташвиқот, оммавий ва ишлаб чиқариш фаолиятлари билан ҳарбий бурчни ўташ чоғида ҳалок бўлган жангчилар оилаларига, армиядаги хизмат пайтида соғлиғини йўқотган ҳарбийларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатяптилар. Вояга етмаганлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, турли ҳарбий ватанпарварлик, физкультура - соғломлаштириш ва маданий-оммавий тадбирлар ўтказиляпти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг «Ўзбекистон» ахборот-сиёсий ва маданият маркази ўз олдида турган барча муаммоларни дадил ҳал этишга киришган.

А. МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг «Ўзбекистон» ахборот-сиёсий ва маданият маркази консультанти.



ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЎПАЯДИ

Тошкентдаги «Ўзхимфарм» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўрта Осиёдаги йирик тармоқ корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда бошқа турдош корхоналарда учрамайдиган 30 фоиздан зиёд маҳсулот тайёрланади. Ҳозир корхона жамоаси 400 га яқин истъмолчи ташкилотларга дори-дармонлар юборяпти.

Бирлашма мутахассислари етакчи илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишган. Бу ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ янги дори-дармонлар ишлаб чиқилмоқда. Яқинда ана шундай маҳсулотлардан «Полижел» дориси, «Фирюза» шифобахш хусусиятли печеньеси тайёрлашга киришилди.

Суратда: ўз ишининг устаси В. Аденина ампулаларга шифобахш эритмаларни қуймоқда.

А. ГОРОКРИК (ЎзА) олган сурат.

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

ГЕРМАНИЯГА ТАШРИФ

● **Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев расмий ташриф билан Боннга келди.**

Бу республика раҳбарининг Германияга биринчи сафаридир. Германия Федератив Республикаси ва Қирғизистон ўртасида бевосита муносабатларни йўлга қўйиш ташрифнинг мақсадидир.

БОШ КОТИБНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Гали халқаро ҳамжамиятга мурожаат этди.**

Бош котиб Афғонистон пойтахти Қобул ва унинг атрофида яшовчи аҳолининг аҳволи танглиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаётганлиги сабабли шошилинч ёрдам кўрсатишга чақирди. 13 йиллик урушдан кейин Афғонистон сиёсий барқарорлик томон силжиб бораётган бир пайтда одамлар турмушини бундан ҳам ёмонлашишга йўл қўймаслик учун ҳаракат қилиш даркор, деб таъкидлади Бутрос Гали. Аҳоли учун 30 минг тонна озиқ-овқат зарур бўлиб турибди.

САФАРГА ОТЛАНИБ

● **Американинг тўққиз штатидан кўнгиллилар собиқ совет республикаларига жўнаб кетишди.**

Кўнгиллилар АҚШнинг ёрдами дастури доирасида Россия, Қозоғистон ва Украинада бўлишади. Уларнинг сафари АҚШ халқаро тараққиёт бошқармасининг янги лойиҳаси тадбирларини амалга ошириш учун замин қўяди. Ҳамдўстликдаги янги давлатларда фермерчилик ишларини қарор топтиришга кўмаклашилди. Шунга биноан 30 миллион доллар сарфлаш кўзда тутилган.

НАВБАТДАГИ СЕССИЯ

● **Люксембург пойтахти — Брюсселда Европа ҳамжамиятилари кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.**

Кенгаш ишида қатнашган 12 мамлакат ташқи ишлар вазирлари Босния ва Герцоговинани тан олишга қарор қилишди. Югославия таркибидан чиқиш истагини билдирган бошқа бир республика — Македонияни тан олиш тўғрисидаги масала эса ҳозирча кечиктирилди.

ЎТМИШ САДОСИ

● **Гондурасинг Копан шаҳри жуда қадимийдир. Бу ерда Америка археологлари қазиш ишларини олиб боришмоқда.**

Лотин Америкасининг бу ҳудудида эрамизнинг биринчи минг йиллигида бу ерда турли сулолалар ҳукмронлик қилишган. Қазиш чоғида Майя халқи подшоҳларидан бирининг саганаси топилди.

Мутахассисларнинг фикрича, саганада сақланиб қолган тўрт подшонинг бири ҳокининг ёши 1,4 минг йилга тенг.

УЧАР ЛИКОПЧАМИ... ЕКИ

● **Косто-Рика пойтахти — Санхосе осмони узра яқинда ликопчалар пайдо бўлган эди... Мутахассислар «Бемаҳал ташриф»ни қизиқиб ўрганишди.**

Маълум бўлишича, бу ҳодиса ҳавода электрлаштириш даражаси ошганлиги сабабли пайдо бўлган. Бинобарин, у одамлар кўзига чалинган хатоликдир.

Мамлакат электроэнергия илмгоҳи вакиллари тартиб посбонлари — полициячилар кузатган ҳодисани шарҳлашди: электростанцияда фалокат юз берган. Фалокат ҳаво босими камлиги ва ҳаво ҳароратининг тез ўзгариши натижасида электр симларининг ионлашишига ва нур таратишига олиб келган.

Ғайритабиий ҳодиса шоҳидлари эса бошқача гап айтишган. Улар нур таратиб турган катта учар жисмлар ҳавода муаллақ турибгина қолмай, турли ҳаракатлар қилди, деб таъкидлашяпти. Жисмлар юқори кўтарилиб, бирлашиб тезда уфқ ортидан ғойиб бўлишган.

(Жаҳон агентликлари ва рўзнома хабарлари асосида тайёрланди).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИГА

СИФАТ — ХАРИДОРГИРЛИК МЕЗОНИ

● **Арзон бўлса-ю, кўп сотса, фойдани кўп олади**
● **Маҳсулот турлари кўпайиб, 25 хилга етди**
● **Афғонистон билан ҳамкорликда қўшма корхона**
● **Илғорлар — ХДП сафига**

Бозор муносабатлари тушунчасига кўра, кимки маҳсулотини арзонроқ қилиб, қанча кўп сотишга эришса — шунча яхши! Қиммат сотишни хаёл қилган, нафси бузуқ «тадбиркор» «айтганимдан камга сотмайман», деб ўтиравериб, оқибат-натижада касодга учрайди. Айни пайтдаги бозор муносабатлари нарх белгилашда «ким қиммат сотаркин» қабилида бўлиб, ижтимоий ҳаёт қонуниятларини бузмоқда. Аслида буни рақобат эмас, балки нафс пойгаси, деса ҳақиқатга яқин бўлади.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда Урганч пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси учун ҳам бугунги жараён осон кечаётгани йўқ. Мен бирлашманинг вилоят марказидаги фабрикасида бўлиб, аҳвол билан танишганимда бирлашма бош директорининг ўринбосари Николай Васильевич Пакнинг фиғони булоқдай тошди:

— Кунинг бировга қолгандан кейин қийин бўлар экан, — деди у соф ўзбек тилида, ҳатто талаффузда ҳам бирор урғуни бузмай,

— Хом ашёни четдан, асосан Россиядан, қўшни жумҳуриятлардан оламиз. Нархи эса осмонда? Қўлингни чўзганинг сари юқорилаб бораяпти-я,' тавба?

Ана шундай қийинчиликлару хом ашё танқислигига қарамай бирлашма ўтган хўжалик йилини яхши якунлади. Режадаги 31 миллион 30 минг сўм ўрнига 41 миллион 680 минг сўмликдан ортиқ халқ истеъмол моллари тайёрлаб чиқарилди. Реализация режаси 120 фоиз адо этилди. Ишлаб чиқарилган жами пойабзал 25 турга яқин бўлиб, бу борада белгиланган топшириқ муваффақиятли уддаланди. Бирлашма бўйича икки миллион 400 минг сўм соф фойда олинди.

Бу ютуқларда бош корхона жамоасининг ҳам, Хонқа ва Гурлан пойабзал фабрикалари ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимларининг ҳам салмоқли улуши бор.

Бирлашма пойабзалчилари бу йил уч ойлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш режалари, халқ истеъмол моллари тайёрлаш, савдога мол чиқариш топшириқларини ҳам ортиғи билан уддаладилар. Кейинги 2 ойда 527 минг жуфт турли пойабзал тикиб чиқарилди.

Ишлаб чиқаришга янги андозалар жорий этилаётгани бозор муносабатларидаги муаммоларни ҳисобга олганда эътиборли. Жумладан, эркаклар мавсумий туфлисининг тўрт хилини ишлаб чиқаришда ўзлаштирилиб, уларни конвейер усулда тикиш йўлга қўйилди. Аёллар ва эркаклар шиппакларини тайёрлаш ҳам изга солиб юборилди. Эндиликда аёллар ва эркаклар этикларининг андозасини яхшилаш тадбирлари кўриляпти.

Маъмурият харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва қувватларни ошириш тўғрисида иш олиб бормоқда. Фаолият ва ўзаро алоқалар доирасини кенгайтиряпти. Бу йил бирлашма қошида «РА» (Афғонистон жумҳурияти фирмаси) билан қўшма корхона қурилиб, унда шарқона услубда елим калишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қўшма корхона йилига 1 миллион жуфт шундай калиш тайёрлаш қувватига эга бўлади. Айни пайтда бу корхона учун «Хорезмсовхозстрой» трестига қарашли темирбетон буюмлари заводи сотиб олиниб, унга қўшимча хоналар ажратилмоқда. Завод қўшма корхонага мослаб таъмирлангач, бу ерда калиш тайёрлаш ускуналари ўрнатиш ва монтажлаш ишлари бошлаб юборилади.

Мустақиллик ишчанликни ёқтиради

Бирлашма қошидаги фабрикада бўлдик. Бош корхонанинг бичиқчилик, иккита йиғув ҳамда махсус тагчармларни «тановар», яъни пойабзалнинг устки қисмига агрегатлар воситасида эритиб ёпиштириш цехлари саранжом-саришта. Ҳайитбой Одамбоев, Зулфия Ниёзматова, Ислом Раҳмонов, Эркин Хўжаниёзов, Норпошша Саидова, Солай Раҳмонқулов, Ширин Саидова, Ойбек Матёқубов, Гулой Искандарова, Ибодулла Авазов, Соля Раҳмонқулова, Тўра Қўшжонов сингари пешқадамларнинг номларини ишчиларнинг ўзлари фахрланиб тилга олишгани ҳам дилимга завқ-шавқ бағишлади.

Бош корхонада Халқ демократик партиясининг бошланғич ташкилоти аъзолари, тикув цехи бошлиғи Шавкат Аваз матовни шу йилнинг январида ўзларига етакчи қилиб сайлашган эди. Ёш котиб маъмурият, касаба уюшмаси ҳамда Ёшлар иттифоқи уюшмаси билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориб, партия ташкилотининг нуфузини, жамоа орасидаги обрў-эътиборини оширишга эришмоқда. Яқинда ташкилот бирлашманинг ҳар хил бланкалар тайёрлайдиган босмахона участкаси устаси Жонбулат Иброҳимовни ХДП сафига қабул қилди.

Ташкилотнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми қарорлари асосида янги вазифалар белгилаб олинди. Бунда Н. В. Пакнинг ҳисоботи тингланди, омбор мудири Э. Рўзиматов эса партия аъзолигига қабул қилинди. Аммо бирлашма бош корхонасида ХДП аъзолари сафини кенгайтириш имкониятлари кенг. Партиянинг обрўсини ошириш учун бошланғич ташкилот ҳали кўп ишлар қилиши, таъсир доирасини кучайтириши лозимлиги кўриниб турибди.

— Умуман олганда, мавжуд учта фабрикамизда 2500 нафарга яқин киши ишлайди, — дейди бирлашма бош директори, ХДП аъзоси Шукрулло Каримов. — Ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимларнинг асосий кўпчилиги йигит-қизлар бўлиб, бирлашма бўйича уларнинг ўртача ёши 22 дан ошмайди.

Умумий ишга баракали шахсий ҳисса қўшаётган, яхши ишлаётган фидойиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бериляпти. Иш ҳақи босқичма-босқич ошириб бориляпти. Ўртача иш ҳақи шу йилнинг январь ва февраль ойларида 650 сўмни, март ойида эса 800 сўмни ташкил этди. Лекин нарх-наво осмонга кўтарилган бугунги оғир шароитда ўша 800 сўм ҳам жуда оз. Ҳаётий муаммолар иш ҳақи миқдорини янада ошириш, уни шу йилнинг ўзида камида 1200—1300 сўмга етказиш учун кескин чоралар кўришга даъват этяпти.

Бунинг учун эса биз, дея таъкидлади бош директор, биринчи навбатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир ярим-икки ҳисса кўпайтиришимиз, сифатини хорижда тайёрланганлардан қолишмайдиган, харидоргир қилишимиз керак. Кўпроқ рентабелликка эришмоғимиз лозим.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақола чоп этилаётган пайтда мухбиримиз Урганчдан қўнғироқ қилиб, бирлашма маъмурияти рўзномамиз жорий ҳисобига 50 минг сўм ўтказишга қарор берганини, ўзаро шартнома имзоланганини хабар қилди.

КЎЧМА ЖАДВАЛ ХОСИЯТИ

Меҳнатни тўғри ташкил этишга эътиборни кучайтирдик. Бу борадаги изланиш, ўрганиш ва тажриба-синов натижалари жамоамизга катта наф келтиряпти.

Илгари заводимизнинг асосий ишлаб чиқаришида 3 бригада бўлиб, улар 3 сменада фаолият кўрсатардик. Бундай фаолият ишчи-мутахассисларга анча оғирлик қилар, улар дам олиш фурсатларини бой беришарди. Шундай ҳам бўлардики, иш тиғиз вақтларда шанба ва якшанба кунлари ҳам меҳнат қилишга тўғри келарди.

Ушбу масала завод жамоасида Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти, касаба уюшмаси вакиллари ва мутахассислар иштирокида кенг муҳокама қилинди. Ҳар ким ўз фикрини очиқ-ойдин баён қилди. Фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, ягона қарорга келинди. Завод ишлаб чиқаришида 4 та бригада фаолият кўрсата бошлади. Улар кўчма иш жадвали (график) асосида меҳнат қила бошладилар. Натижада жамоа аъзолари 5 кунлик иш ҳафтасига ўтиб, ҳафтада 2 кун дам оладиган бўлдилар.

Дам олиш куни ибораси бизнинг шароитда бошқачароқ тушунадилар. Бозор иқтисодиёти шароитида рўзғор ишларига кўпроқ вақт ажратилмоқда. Икки кунлик дам олиш томорқада мева-сабзавот етиштириш, чорва молларига қараш, болалар тарбияси билан шуғулланишга ҳам имкон яратяпти.

Янги жадвал асосида ишлашга ўтишнинг бошқа хосиятлари ҳам бор. Биринчидан, бу тартиб ишчиларнинг ҳордиқ чиқаришини режали ташкил этиш, иккинчидан эса корхонанинг бир маромда тўхтовсиз фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб берди. Шундай иш тутиш самарадорлик муттасил ортиб боришига ёрдам бермоқда.

Ишнинг янгича уюштирилгани тўла хўжалик ҳисоби усулида эркин фаолият кўрсатиш омилларидан бири бўлди. Агар корхона ишининг бу йилги икки ойи ва ўтган йил натижаларига чуқурроқ назар солсак, кўчма жадвал асосидаги иш тартиби яхши самаралар келтираётганига қаноат ҳосил қиламиз. Ўтган йили режадагидан 12,8 миллион сўмлик кўп ялпи маҳсулот, жумладан 533 тонна зиёд тола ишлаб чиқаришга эришилди. Барча жабҳалардан олинган соф фойда 2 миллион сўмга яқин бўлди. Аввалги йилларга қараб сарҳисоб қилинадиган бўлса, бу — иқтисодий соҳада катта силжиш демак.

Даромадга қараб буромад, деганлари рост. Юқори даромад корхона ишлаб чиқаришини ривожлантириш, иш ҳақини ошириб бориш, жамоа аъзоларини ижтимоий жиҳатдан тўкисроқ ҳимоялаш истиқболларини очиб бермоқда. Корхона маблағига қурилган уйларда 68 оила истиқомат қилмоқда. Йил бошида улар сафига 16 квартирали яна икки уй қўшилди.

Корхона ҳузуридаги ёрдамчи хўжалик ишчиларга бепул сут, арзонлаштирилган гўшт, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб беряпти. Ёрдамчи хўжаликни кенгайтириш ҳақидаги таклифимизни ХДП район кенгаши ва халқ депутатлари район ижроия қўмитаси қўллаб-қувватлади. Типовой молхона, экин майдони ва техника ажратишда кўмаклашишяпти.

Ишлаб топилган фойданинг бир қисмини кўп йиллардан буён ҳал бўлмай келаётган омбор қурилишига сарф этамиз. Маҳсулот сақлаш омбори етишмаганидан хом ашё, чигит ва бошқа маҳсулотлар қор-ёмғир остида қоларди. Корхонанинг бир меъёрда ишламай, 3—4 кунлаб тўхтаб қолиш ҳоллари тез-тез учраб турарди.

Хуллас, корхонанинг муттасил ишлаши, кўпроқ фойда ишлаб топилиши, унинг асосий қисмини завод жамоасини ижтимоий кафолатлашга йўллашга эътибор кучайди. Шундай шароитда севимли рўзномамизни ҳам қўллашга)қарор қилдик. Қоғоз, босмахона, транспорт харажатлари ҳажми кескин ошган шароитда пахта тозаловчилар «Ўзбекистон овози» рўзномаси ҳисобига 15.000 сўм ўтказадиган бўлди.

Б. ҚУРБОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикасидаги Элликқалъа пахта тозалаш заводи директори.

ҲАМИР УЧИДАН ПАТИР

ШАҲРИСАБЗ РАЙОНИДАГИ ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖАМҒАРМАСИГА 30 МИНГ СЎМ ЎТКАЗДИ.

Бу хўжалик фақат Шаҳрисабз районидагина эмас, балки бутун Қашқадарё вилоятида ижтимоий жиҳатдан юксак суръатлар билан ривожланаётган пешқадам жамоалардан. Унга бир неча йиллардан бери ХДП аъзоси, вилоят деҳқонлар уюшмаси раиси, тадбиркор ва ташкилотчи раҳбар Қурбон Ҳақбердиев раҳбарлик қилиб келмоқда.

Биргина ўтган йили хўжаликда қурилиш ва ободонлаштириш бўйича анчагина ишлар амалга оширилди. Президент Фармонига биноан Лайкаккон, Даяк, Ҳожимайдон қишлоқларига тоза ичимлик суви келтирилди. Даяк қишлоғида 420 ўринли мактаб, Янги ҳаёт қишлоғида ўнта турар-жой, чойхона бинолари қуриб битказилди. Ҳозир алоқа уйи ва дорихона қурилиш давом этяпти. Шу қишлоқларни газлаштириш учун бу йил уч миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Деҳқоннинг дастурхони тўкин, эгни бут бўлса иши унумли ва баракали бўлади. Ўтган йили мавжуд 405 гектар ерда етиштирилган ғалладан аҳолига 820 тонна дон арзон нархда сотилганди. Бева-бечораларга ғалла текин берилганди. Яқинда колхозчиларга яна 420 тонна дон улашилди.

Очиғини айтганда, колхозчи кўп ҳам дўконга қараб қолаётгани йўқ. Учта тегирмон тўла қувват билан басма-басига тинимсиз ишламоқда. Мойжувозда ишлаб чиқарилаётган шифобахш зиғирмой аҳолига бозордагидан бир неча баробар арзон нархда сотилмоқда.

Моли тўқнинг — кўнгли тўқ, деганларидек, чорва молларини колхозда ҳам, шахсий хўжаликда ҳам кўпайтириш чоралари кўриляпти. Бунинг учун энг аввало озуқа керак. Яқинда 130 гектар ерда янги бедазор яратилди. Жами бедазор 485 гектарга етказилди. Демак, озуқа ҳам мўл бўлади.

Жамоа хўжалиги қишлоқларида 25 минг аҳоли яшайди. Бу ерда бир қатор корхоналар ишга туширилди. Тикувчилик, хон атлас, араби гилам тўқиш, миллий дўппи тикиш цехлари юксак унум билан ишлатилмоқда. Турфа буюмлар давлат нархидан анча арзон нархда колхозчиларга сотилмоқда.

— Кичик корхоналар кони фойда экан, — дейди раис — Аммо, бу ишларни ҳамма ҳам эплаштира олмайди. Бош инженеримиз Намоз Зокировни шу ишларга бош қилиб қўйдик. Энди аҳолидан жун йиғиб олиб, хом ашёни ҳам ўзлари тайёрлашяпти. Яна бир кичик корхонамиз бор. Бу — дурадгорлик, эшик, ром ва бошқа буюмларни ясаб уйжой қураётганлар талабини қондиряпти. Эрта-индин этикдўзлик цехини ишга туширсак, оёқ кийимлари, яъни пойабзал ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилади.

Автосервизни, темирчилик цехларини айтмайсизми? Улар бир ойда юз минг сўмлик иш қилишяпти. Ана шу кичик корхоналар юзга яқин кишини иш билан таъминлади.

Гапга бош ҳосилот Аҳад Бобоқулов қўшилди:

— Озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик корхона ҳам ташкил этилди, — дейди у. — Унга раис муовини Нўъмон Юсупов бош-қош. Беданачилик, ўрдакчилик йўлга қўйилди. Кичик корхонада тўрт мингта бедана боқиляпти. Шунингдек, аҳолига қисқа вақтда қирқ мингта жўжа ҳам етказиб бердик. Бундан ташқари, баликчилик ҳам ривожланмоқда.

Хуллас, хўжаликда амалга оширилаётган ва мўлжалланаётган ишлар кўлами кенг. Ўтган йил якуни бўйича 5 миллион 354 минг сўм соф фойда олинган бўлса, бу йил у икки-уч баробар кўпайтирилади. Миллионер колхоз ўз имкониятларидан келиб чиқиб, рўзномамизга ҳомийлик қилишга қарор қилди.

— Кундалик ҳаётимизни «Ўзбекистон овози» рўзномасисиз тасаввур эта олмаймиз, — дейди Қ. Ҳақбердиев. Иқтисодиётдаги шу оғир кунларда рўзнома жамоасига биз ҳам мададкормиз. Шунга кўра унинг жамғармасига ҳозирча 30 минг сўм ажратдик. Албатта, бу хамир учидан патир!

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шарофнома

Суратда: С. Ражабов Ш. Рашидов ва ҳамкасбларига педагогика фанини ривожлантириш ҳақидаги истакларини билдирмоқда.

Сидиқ РАЖАБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, педагогика фанлари доктори, профессор.

ҲАР УЧРАШУВ ЎЗИ БИР ДОСТОН

ДАСТЛАБКИ МУЛОҚОТ

Улуғ Ватан урушининг учинчи йилига ўтганда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов республикамизнинг бир неча вилоятларида бўлиб, партия, совет ва хўжалик фаоллари билан суҳбатлашди. Ва ниҳоят, фронт орқасини мустаҳкамлаш, фашизмга қарши жанг қилаётган армиямизга мадад беришга сафарбар этишга ҳаракат қилди.

Усмон Юсуповнинг республика бўйлаб қилган сафарининг охири Самарқанд вилоятига тўғри келди. Область партия комитети ходимлари ва хўжалик фаоллари билан бўлиб ўтган суҳбатлардан шу нарса аниқландики, вилоят бўйича ғалла, пахта тайёрлаш ва давлатга топшириш, қолаверса, сут, гўшт, мева, тери ва жун режалари ҳам 1942 йилда бажарилмади, 1943 йилнинг биринчи ярми хавф остида қолди.

Ўша пайтда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг муҳимлиги назарда тутилиб вилоят партия комитетининг пленуми чақирилди. Унда йўл қўйилган хато ва камчиликлар чуқур таҳлил қилиниб, бажариладиган вазифалар дастури ишлаб чиқилди. Бу ҳақда Ў. Юсуповнинг ўзи маъруза қилди. Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Усмон Юсупов Тошкентга келиши билан Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдан ташқари фавқулодда бюросини чақириб, вилоятлар бўйича қилган сафари, кўрган чора-тадбирлари ҳақида маъруза қилиб, Самарқанд вилоятида юз берган катта хато ва камчиликларнинг олдини олиш ва янги сайланган раҳбариятга ёрдам бериш масаласини ўртага қўйди. Бюро аъзолари бу таклифни маъқуллашди. Самарқанд вилоятида юз берган камчиликларни тугатиш ва керакли ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи котиби Ломакин бошчилигида ҳукумат комиссияси тузилди. Унинг таркибига республика партия, совет ва хўжалик раҳбарлари жалб қилинди.

Ҳукумат комиссиясига Ўзбекистон КП Марказий Комитети ташвиқот ва тарғибот бўлими мудирининг ўринбосари — мени ҳам киритишган эди.

Ҳукумат комиссияси зудлик билан Самарқандга етиб келди. Ломакин таклифи билан вилоят партия, совет ва хўжалик фаолларининг кенгаши чақирилди.

Пленум охирида менга ҳам сўз берилди. Мен фронтларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзбек жангчиларининг қаҳрамонликлари ҳақида, ўзбек тилида газеталар чиқариш ва жанг майдонларига санъат ходимлари, артистлар юбориш, шунингдек, фронт орқасидаги Ўзбекистонда ташвиқот-тарғиботчилик ишларини кенгайтириш, халқни сафарбар этиш вазифалари ҳақида маъруза қилдим.

Пленум ўз ишини Самарқанд вилояти комитетининг органи бўлган «Ленин йўли» вилоят газетасининг муҳаррири Шароф Рашидовнинг маърузаси билан тугаллади. Шароф Рашидов газета саҳифаларида олиб бораётган тарғибот-ташвиқотчилик ишлари, фронтдан келаётган мактублар ва жангчиларга юборилган хатлар, халқимизни Ватанга, бўлажак ғалабаларимизга ишонч ва садоқат руҳида олиб бораётган мазмунли ишлари ҳақида ахборот берди.

Пленум тугаши билан Ломакин Тошкентга жўнаб кетди ва менга комиссия ишларига ўзинг бош-қош бўласан, ҳар уч кунда телефон орқали ишларнинг бориши ҳақида ҳисоб бериб турасан, деди.

Мен Самарқанд вилоятидаги оғир районлардан бири Жомбойдаги ишларга масъул бўлдим. Шу билан бирга умумий раҳбарлик ҳам қилдим.

Самарқандга келганимизнинг учинчи куни эди. Эрталаб соат ўнларда вилоят партия комитетининг ходими келиб «Сизни ёзувчи Садриддин Айний излаб кепти, қабул қилишингизни сўраяптилар», — деди. Мен Садриддин Айний номини эшитишим билан югуриб тушиб, у кишининг қўлтиқларидан суяб ўтирган хонамга олиб келдим. Илгари таниш бўлганлигимиз, яъни Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг Тошкентда фашизмга қарши ўтказган митингида учрашганимиз учун бу сафарги мулоқотимиз самимий дўстона бўлди.

Салом-аликдан кейин домла менга қараб «Фсар, хушомадед шаҳри моба,» яъни «Ўғлим бизнинг шаҳримизга хуш келибсиз» дедилар. Шундан кейин суҳбатимиз бошланиб кетди. Суҳбат давомида у киши менга шундай дедилар: «Хабарингиз бор, мен икки тилда: форс ва туркий тилларда ижод қиламан. Менинг тадқиқот объектларим классиклар. Кейинги вақтларда Навоий ижоди, унинг катта туганмас хазинасига қўл урдим. Анча нарсаларни қоғозга тушириб қўйдим. Асосий иш жойим — Самарқанд дорилфунуни. Асарнинг нашрига келсак раҳбарлар «Домла, бироз сабр қилинг, қоғоз имкониятини оширяпмиз» дедилар. Тошкент нашриётига хат ёзсам, яна «қоғоз танқислиги» ҳақида жавоб олдим. Менинг у кишига жавобим қуйидагича бўлди: Ёзув-чизув ишларингизни канда қилмай давом қилдираверинг. Ижозат қилсангиз бу масала билан ўзим шуғулланиб кўрсам».

«Домла, классик адабиёти кафедрангизда кимлар бор» — деган саволимга «Воҳид Абдуллаев, Шароф Рашидов» жавобини эшитиб жуда ҳурсанд бўлдим. Мен Воҳид Абдуллаев билан йигирма ёшимизда Фарғона институтининг ижтимоиёт — адабиёт факультетида бирга ўқиганмиз. Воҳид Абдуллаев билан ўша пайтдан бошлаб дўст эдим. Олдинма-кейин фан доктори бўлдик. Кейинчалик у киши Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, мен эса СССР Педагогика Фанлар академиясига академик бўлиб сайландик.

Шароф Рашидов билан биринчи учрашувимиз Ўзбекистон КП Марказий Комитетида бўлган эди. Ш. Рашидов Улуғ Ватан урушидан ярадор бўлиб қайтгач, уни вилоят партия комитети «Ленин йўли» газетасига муҳаррирликка номзод қилиб тавсия қилган эди. Шу муносабат билан унинг ўзи, деловарлари билан танишган эдим. Ўзбекистон Марказқўми уни бир овоздан бу ишга тасдиқлаган эди.

Шароф Рашидов ҳушёр, ақлли, тилни ва адабиётни яхши биладиган йигит эди. Шу ҳақда домла Садриддин Айнийдан сўраганимда шундай жавоб олган эдим: «Шароф Рашидов ўткир зеҳнли, хотираси яхши, бир қанча шеър ва ҳикояларни ёддан билади. Навоийнинг айрим асарларини меъёрига етказиб айта олади. Ёш бўлишига қарамасдан газета саҳифаларида анчагина шеър ва мақолалари чоп қилинди, шеърий китобчалари нашр этилиши. Талабаларга адабиётдан дарс беради. Ўқувчилар унинг ҳар бир дарсини мириқиб тинглашади. Ўзи ҳам ҳар дарсдан кейин руҳан тетиклашади. Ҳусни ва қадди-қомати қилаётган ишига, ёзаётган шеърларига мос. Ишқилиб, ёмон кўздан асрасин. У адабиётимизнинг яхши намояндаси бўлади».

Оғир жанглар кетаётган ва халқ бошига кулфат тушган бир пайтда бундан кейин учрашиш насиб қиладими, йўқми, деган ташвишда домлага шундай мурожаат қилдим: «Агар ижозат қилсангиз бу ажойиб имкониятдан фойдаланиб, иккала шогирдингизни ҳам чақиртириб суҳбатни давом қилдирсак, мен уларнинг дийдорини кўришга ошиқяпман». Домла рози бўлдилар. Шу заҳоти ўртоқларнинг биттасидан В. Абдуллаев билан Ш. Рашидовни чақириб келишларини илтимос қилдик. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас ҳар иккаласи ҳам ҳозир бўлдилар. Суҳбатимиз фронтдаги аҳвол, жангчиларимизнинг ғалабаси, бераётган қурбон ва талофатлар, республикада олиб борилаётган ишлар, шундай оғир шароитда ўрта ва олий таълим мактабларида ўқишлар давом қилаётганлиги, шунингдек, айрим адиб ва ёзувчиларнинг ижодий ишлари ҳақида бўлди. Суҳбатимиз тугагач, уларни машинада уйларига элтиб қўйишди. Биз кечқурун соат саккизда Жомбой районида катта мажлис ўтказишга келишган эдик. Ўша пайтда Жомбой райони партия комитетининг биринчи котиби бўлиб тошкентлик Исоқов ишлар эди.

Мен, Шароф Рашидов ва Воҳид Абдуллаев кечқурун соат 8 да Жомбойда бўлдик. Кўп халқ тўпланган. Мен йиғилишда ҳукумат комиссияси раисининг муовини сифатида нутқ сўзлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг қарори, Самарқанд вилояти партия комитети бюроси қарори, қилинаётган ишлар ва галдаги вазифалар ҳақида тўхталдим. Уруш қачон тамом бўлади, колхозимизда у етишмайди бу етишмайди, деган кўпдан-кўп саволларга жавоб беришга тўғри келди. В. Абдуллаев йиғилганларга Навоий шеъриятидан ва замонавий шоирларнинг шеърларидан ўқиб берди. Ш. Рашидов эса вилоят газетаси орқали олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Ўша пайтда Самарқанд вилоят партия комитетининг пленуми Шароф Рашидовни олиб бораётган ташкилий, сиёсий ва тарбиявий ишларини назарда тутиб, уни область партия комитетининг кадрлар бўйича котиби қилиб сайлади. Ш. Рашидов бу лавозимда икки-уч йил ичида катта сиёсий ва ташкилий ишларни, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни ўқитиш соҳасидаги ишларни олиб борди. Ш. Рашидовнинг фаолияти Ўзбекистон КП Марказий Комитетини қувонтира бошлади ва унинг келгусига катта ишонч умид уйғонди.

Уруш тугагач саноатни, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, фан ва маорифнинг барча босқичларини, санъат ва мафкуравий ишларни янги вазиятда қайта қуриш ва такомиллаштириш вазифаси ўртага қўйилди. Бу жуда қийин иш эди.

Ўша пайтда мен «Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул муҳаррир бўлиб ишлар эдим. Биз, газетачилар ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга сидқидилдан киришиб, мафкуравий-тарғибот ишларининг янги турлари ва воситалари ҳақида чора-тадбирлар тузиб, амалий ишларни олиб бордик. Бошланган ишимиз ўз кўлами билан оғир ва мураккаб иш эди.

Республикада асосан иккита газета: «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» нашр қилинар эди. Ҳар иккала газетанинг муҳаррири Марказқўмнинг бюросида қатнашиши ва республикада ўтказиладиган катта-кичик кенгашларда иштирок қилиб, лозим топилганда ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлаши мумкин эди. Бу муҳаррирнинг жавобгарлик иши, муқаддас бурчи эди.

УСМОН ЮСУПОВ ТАКЛИФИ

1947 йил март ойида чақирилган бюрода «Қизил Ўзбекистон» газетасини яхшилаш, янги иш шароитига ўтиш, кенг оммани газета ишларига жалб қилиш ҳақидаги режаларимиз муҳокама қилинди, қўшимча вазифалар юкланди.

Бюро тугагандан кейин мен Усмон Юсупов билан яккама-якка суҳбатлашдим. Суҳбат давомида Усмон Юсуповга шундай деган эдим: «Мен 1942 йилдан бери газета, Марказий Комитет билан биргаман. Кейинги пайтларда соғлиғимнинг мазаси қочди. Ҳали ёшман, инсон ва унинг тарбиясини такомиллаштириш соҳасидаги педагогика фанлари номзодиман, агар газетадан бўшаб олсам катта ишларга қадам қўймоқчиман». У киши менинг гапларимни самимий тинглаб: «Сиз мени ўйлашга, фикрлашга мажбур қилдингиз, Бу ишда шошилмайлик. Ўртоқлар билан маслаҳатлашиб кўрай,» — дедилар.

Орадан анча вақт ўтди. Шу йили октябрь ойида яна бир масалани кўтардим. Кимларни тавсия қилиш масаласида суҳбат олиб бордик. Бу галги суҳбатимизда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кадрлар бўйича котиби М. Мирзааҳмедов қатнашди. Мирзааҳмедов Шароф Рашидовнинг фаолиятини кузатиб юрган экан. Биз Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, шоир ва ёзувчи, вилоят газетасининг муҳаррири ва ниҳоят, вилоят партия комитетининг кадрлар бўйича котиби Шароф Рашидов номзоди ҳақида келишиб, маслаҳатлашиб олдик. Шундай қилиб 1947 йил ноябрь ойида Марказий Комитетнинг бюроси Шароф Рашидовни «Қизил Ўзбекистон» газетасининг масъул муҳаррири қилиб тасдиқлади.

1947 йил 11 ноябрь куни Шароф Рашидов муҳарририятга келиб, ўзининг янги вазифасини бошлади. Шу куни Усмон Юсупов менга телефон қилиб «Биз бюро аъзолари маслаҳатлашиб шу фикрга келдикки, сиз Рашидов билан бирга ўтириб керак бўлса бир ой, икки ой газета ишларида ёрдам беришингиз лозим. Гап шундаки, бу кишини вилоят газетасидан республика газетасига олиб келдик. Газетанинг иш жараёни ғоят мураккаб ва хилма-хил. Улар билан аста-секин таништириб бориш, газета атрофидаги қаламкаш ёзувчи ва мухбирлардан ташқари улар ҳақида тўла тасаввур бериш, иш-ижод билан таништириш ва ниҳоят, газета саҳифаларини ўқишда ҳам ҳамкорликда ишлаб ёрдам беришингиз керак».

Шароф Рашидов ҳам, мен ҳам газетанинг фаолиятини яхшилаш ҳақидаги Марказий Комитет аъзоларининг фикрини, орзу-ниятларини тушунар эдик. Мен шу кундан бошлаб икки ой давомида Шароф Рашидов билан бирга юқорида зикр қилинган масалаларни ҳал этишга қаратилган ва газетани сонма-сон яхшилаб бориш умидида самимий ҳамкорлик қилдик. Бунинг натижаси ўлароқ газета саҳифалари кун сайин хилма-хил, ўқиб-ўрганса арзийдиган мазмунга эга бўла бошлади. Янги-янги ижодкорларнинг газета атрофига тортилиши эса кутилган, орзу қилинган ниятларга эришишдан далолат берар эди.

Шундан кейин мен Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг педагогика кафедраси мудирлиги лавозимига қайтдим. Мен илгари шу кафедрадан газета ишига ўтган эдим. Орадан анча ойлар ўтгач Шароф Рашидов мени муҳарририятга чақириб шундай дедилар: «Кеча Усмон Юсупов мени чақириб Ёзувчилар уюшмасига раис бўлиб ўтсангиз деган умиддамиз. Сабаби шуки, урушдан кейинги тикланиш йиллари давом қиляпти, Бунинг устига Ёзувчилар уюшмасининг жонкуяр котиби, ажойиб инсон, забардаст шоир Ҳамид Олимжон фожиали ҳалок бўлди. Дунёдан кўз юмди. Ёзилаётган асарлар, радиодаги эшиттиришлар, Ёзувчилар уюшмасида бўлиб турган ҳар хил кўнгилсизликлар, интизомсизликлар Марказқўмнинг қаноатлантирмаяпти. Сиз Ёзувчилар уюшмасининг иш услубини, йўналишини яхши тасаввур қила оласиз. Бу жой энг масъулиятли мафкуравий марказ бўлганлиги учун биз бу лавозимга кимни тавсия қилишни узоқ маслаҳатлашдик. Ижодий суҳбатлар ва тажрибангиз бизни номзодингиз устида тўхташга мажбур қилди. Сиз Ёзувчилар уюшмасига котиб бўлиб боришингиз керак дедилар». Мен у ер жуда оғир участка эканлиги, ҳар бир ижодкор ўзига хос хислатларга эгалиги, Ёзувчилар уюшмасига котиб бўлиш учун ё катта ижодкор, ё катта адиб, бу соҳанинг намояндаси бўлиши кераклиги ҳақида гапирдим. Бироқ Усмон Юсупов: «Сиз жуда тажрибали партия ходимисиз, эртадан бошлаб Ёзувчилар уюшмаси котиби сифатида ишга киришинг,» — дедилар.

Шундай қилиб, Шароф Рашидов «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррирлигидан Ёзувчилар уюшмаси котиблиги лавозимига ишга ўтди. Ва ниҳоят, орадан унча кўп ўтмай Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланди.

НЕРУ БИЛАН СУҲБАТ

Мен Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида қизғин ижодий иш олиб бораётган кунлардан бирида институт ректори Ш. Ш. Абдуллаев телефон қилиб «Эртага соат 11.00 га Шароф Рашидов Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи Жавоҳарлаъл Неруни институтимизга бошлаб келмоқчилар» деди. Биз, институт турли кафедраларининг етакчи ходимлари ўша куни эрталаб соат ўнларда ректор хонасига йиғилиб, азиз меҳмонларни кута бошладик. Ниҳоят, Шароф Рашидов бошчилигида Ж. Неру ва академик В. Зоҳидов учовлари институтга ташриф буюришди. Салом-аликдан кейин Шароф Рашидов сўз олиб ҳинд халқи билан қадимий дўстлигимиз, фан ва савдо-сотиқ ишларидаги ҳамкорлигимиз ва Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи Ж. Неру яхши ниятлар билан Ўзбекистонга зиёрат қилиб келганликлари ҳақида гапирди. Бунинг учун Ж. Неруга ташаккур изҳор қилди. Шунингдек, Ш. Рашидов: «Биз бу ерга келгунча батафсил суҳбатлашиб олдик, республика халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича тушунчалар бердик. Ҳурматли меҳмоннинг бу илмгоҳга келишидан мақсад таълим-тарбия ва ўқув ишлари билан танишишдир. Энди сўзни Ж. Неру ҳазратларига берамиз» дедилар. Кейин Ж. Неру жаноблари сўз олиб. самимий кутиб олганлик учун ташаккур изҳор этди. Ж. Неру билан учрашув жараёнида шу нарса маълум бўлдики, уни қизиқтираётган асосий масала мактаб ва педагогика тизими. Макаренконинг меросини ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш йўллари билан танишишдан иборат экан. Ж. Неру шу мазмунда савол берганларида Шароф Рашидов менга қараб «Сидиқ ака, бу саволга ўзингиз жавоб бермасангиз» дедилар. Мен шундай жавоб бердим: «Дарҳақиқат, А. С. Макаренко етим-есир ва безори болаларни тўплаб махсус интернат ташкил қилган. Таълимни ҳаётга, меҳнатга боғлаб олиб бориш йўлларини тарғиб қилган. Ўқитишни фаоллаштириш ғояларини илгари сурган. Халқ маорифини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган новатор эди. Бироқ СССРда, Ўзбекистонда мактаб тизими фақат Макаренконинг иш услуби билан чегараланиб қолганича йўқ. Ўқитиш, ўқиш ва тарбия ишлари соҳасида жуда яхши тадбирлар ишлаб чиқилган. Халқ маорифи ишларини яхшилаш борасида Луначарский, Крупская, Ўзбекистонда эса Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Қори-Ниёзий, А. Авлоний новатор педагоглар эди. Айни кунда педагог олимлар ва ўқитувчилар халқ маорифини такомиллаштириш, таълим ва тарбия ишларини юксак даражага кўтариш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар». Шундан кейин Ж. Неру менга: Сизлардаги таълим ва тарбия ишлари коллектив тарзида, хилма-хил йўналишларда олиб борилар экан, бунинг учун катта раҳмат», дедилар.

1960 йилда Шароф Рашидов мени Марказий Комитетнинг бюросига чақириб шундай деди: «Сидиқ Ражабович, сиз ҳозиргача педагогика фанлари соҳасида якка-ю ягона фан докторисиз, профессорсиз, халқ маорифи соҳасида қилинган ишлар билан яхши танишсиз. Лекин анчагина камчиликлар мавжуд. Дарс жараёнини такомиллаштириш, ўқув материаллари ишлаб чиқиш, методик адабиётлар нашр қилиш, фундаментал тадқиқотлар учун махсус лабораториялар ташкил қилиш каби вазифалар кўндаланг бўлиб турибди. Бусиз халқ маорифи тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Биз ўртоқлар билан маслаҳатлашиб, сизни Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига директор ва Маориф вазирлиги коллегияси аъзоси қилиб тасдиқлашни режалаштирдик. Педагогика-психология фанлари, илмий-методик ишлар соҳасида қалам теккизилмаган қирралар жуда кўп. Сизнинг бу ишларни қилишингизга имконимиз комил. Биз бюро аъзолари билан маслаҳатлашиб шу қарорга келдик. Ўйлайманки, сиз рози бўласиз. Ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз».

Шароф Рашидов билан охирги учрашувимиз 1980 йиллардан кейин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бўлиб ўтди. Ўша пайтда институтда асосий ўқув қуроллари етишмас, фундаментал лабораториялар ташкил қилинмаган, ўқув аудиториялари ва ётоқхоналар етишмас эди. Умуман, институт қийин аҳволда эди. Шуларни назарда тутиб, маориф министри С. Шермуҳамедов ва институт ректори Х. Турсунов Шароф Рашидов қабулида бўлиб, институтнинг аҳволини батафсил тасвирлаб, бир кўриб кетишларини илтимос қиладилар. Орадан бир неча кун ўтгач, Ш. Рашидов факультет деканлари, кафедра мудирлари билан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда Ш. Рашидов шундай деган эди: «Неру ҳазратлари билан келиб сизлар билан учрашув ўтказганимизга анча йиллар бўлди. Менинг институтга келишимни сўраб яхши иш қилдингизлар, ўзим ҳам шуни орзу қилиб юрган эдим. Ниҳоят, жуда банд бўлишимга қарамай ҳузурларингга келишга аҳд қилдим. Мен министр ва ректор билан институтнинг аҳволи, нималар қилиш кераклиги ҳақида батафсил суҳбатлашиб олган эдим. Амалий ишга ўтишдан олдин ижозатлари билан сизларни республикадаги аҳвол, Марказқўмва ҳукумат олиб бораётган ишлар билан қисқача таништирсам». Ш. Рашидов шундай деб республикани ташвишга солиб турган асосий муаммолар: Орол, пахта муаммоси ҳақида тўхталди. Кейин халқ маорифи соҳасидаги ишларга тўхталиб шундай деди: ўқувчилар олаётган билим замон талаблари даражасида эмас. Биз бу масалада қаттиқ ташвишдамиз. Бу ерда ўтирган мутахассис ўртоқлар партия ва халқ маорифига ёрдам беришлари лозим. Илмни турли йўналишлар бўйича равнақ топтириш учун бақувват профессорлар, академиклар керак. Маориф ва Олий таълим министрликлари бу соҳада етарли ишларни қилмаяптилар. Қўлимиздаги материалларга қараганда бундан 10 — 15 йил илгари докторлик унвонини олган ўртоқлар бирорта фан доктори тайёрламаганлар, дарсликлар, монографиялар ёзиб чоп этмаганлар. Докторлик шахсий мулк ёки шахсий ҳусн эмас-ку! Бу ерда ўтирган раҳбар ўртоқлар шу ҳақда ўйлаб кўришлари лозим.

Суҳбатимизни тамом бўлди, деб бўлмайди. Шу ерда тўхтайлик. Ҳаммамиз бирга чиқиб аудиторияларни, лабораторияларни, институтнинг мол-мулкини кўздан кечирайлик. Шунга кўра марказқўмнинг қарорини тайёрлаймиз. Қолган суҳбатимизни қарор тайёр бўлгач, унинг ижроси ҳақида давом қилдирамиз»

Шароф Рашидов билан ҳар учрашганимда у киши Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари учун ҳам кадрлар тайёрлаб беряпсизларми, уларда ҳозирча педагогика фанлари соҳасида фан докторлари тайёрлайдиган махсус илмий кенгашлар йўқ, шу сабабли уларни сира камситиш керак эмас, деб такрор-такрор таъкидлар эдилар. У кишининг Ўрта Осиё учун ҳам кадрлар тайёрлаш ҳақидаги ғамхўрлигини тинглаб ич-ичимдан қувонар эдимки, бу одам ҳақиқий инсон, замонамизнинг энг илғор кишиларидан бири, энг муҳими — ҳақиқий байналмилалчи эди.

МАКТАБ КУТУБХОНАСИДА

Биз Шароф Рашидов билан мактабларда таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши, эришилаётган ютуқлар ва бу соҳадаги камчиликлар хусусида тез-тез суҳбатлашиб турар эдик. Шароф Рашидов Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига ташриф буюриб турар эди. У кишининг менга айтишларига кўра. бир райондан иккинчи районга ўтиш вақтида йўлда учраган катта-кичик мактабларни кўришлари билан машинасини тўхтатиб, мактабга кириб борадилар. Салом-аликдан кейинги биринчи иши мактаб кутубхонаси билан танишиш бўлган. Кутубхоначиларга қанча бола китоблардан фойдаланишади, қайси синф ўқувчилари энг китобхон? Кутубхонада махсус журнал юритасизларми? Журналга болаларнинг исми-шарифи ёзиб бориладими? Ўқийдиган китоблари-чи? каби саволлар билан мурожаат қилган. Бир куни шундай суҳбат давомида икки бола кутубхонага кириб келади. Бири 8-синфда, бири эса 9-синфда ўқир экан. Шароф Рашидов уларга шундай мурожаат қилибди: «Кутубхонадан китоб олиб ўқиб турасизларми?» «Ҳа, ўқиб турамиз», — дейишибди болалар. «Масалан, сен, 9-синфда ўқир экансан, қанақа китобларни ўқигансан», — сўрабди биттасидан Ш. Рашидов. «Навоий романини ўқиб чиқдим», — дебди бола. «Навоий романини ким ёзган», сўрабди Ш. Рашидов . Шунда бола: «Навоий романини Ш. Рашидов ёзган», — деб жавоб берибди. Ш. Рашидов болаларга бу романни машҳур адибимиз Ойбек домла ёзганликларини тушунтирганида улар нима дейишларини билмай жим қолишади. Иккинчи боладан: «Шоирлардан кимларни биласиз», — сўрабди Ш. Рашидов. «Ғафур Ғулом ва Миртемирни», — деб жавоб берибди бола. «Уларнинг қайси шеърларини биласан», — сўрабди Ш. Рашидов. Бироқ болалар Ш. Рашидов томонидан берилган бирорта саволга тўлиқ жавоб бера олишмабди.

— Мана бир мактаб кутубхонасида бўлган ходиса, — деб ҳикоясини давом қилдирган эди Ш. Рашидов. — Мен вилоят ва районлардаги қанчадан-қанча мактабларда бўлганман. Бу масалада, яъни болаларнинг мактаб кутубхоналари орқали китобни севишга, адабиётларни ўрганишга жалб қилиш ишлари деярли олиб борилмаяпти. Мени ҳайратда қолдирадиган нарса шуки, мактабда директор бор, илмий бўлим мудири бор, қанчадан-қанча адабиёт ўқитувчилари бор. Нақотки улар бу аҳволни билмасалар. Сидиқ ака, сиз педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директорисиз, Маориф министрлиги коллегияси аъзосисиз, шу нуқтаи-назардан бу масалани ҳам коллегияда, ҳам институтнинг илмий кенгашларида қаттиқ туриб кўтариш керак, бу сизларнинг муқаддас бурчингиздир.

Мен халқимнинг асл фарзанди, ватанпарвар, инсонпарвар, бутун умри ва ташвиши халқ ташвиши билан боғланган, ёзган асарларида эл-юрт улуғланган, инсонларнинг энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган Шароф Рашидов ҳақидаги баъзи хотираларни қоғозга туширдим, холос. У кишининг фаолиятида эл-юрт, Ватанга садоқат ва кишиларни байналмилал руҳида тарбиялаш марказий ўринни эгаллар эди. Шунинг учун ҳам 25 йил давомида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлиб, юртимизда яшаётган юздан ортиқ миллат вакилларига раҳнамолик қилиб келди.

Шароф Рашидовнинг қалби ва дили пок бўлиб, ҳамиша халқ билан бирга эди. Мен Ш. Рашидов билан қариб 40 йилдан ортиқ вақт давомида мулоқотда бўлдим. Ҳар бир учрашувимиз у кишига бўлган меҳр-муҳаббатимни янада оширар эди. Минг афсуслар бўлсинким, номард, ноинсоф кишилар туфайли улар томонидан тўқилган «ўзбеклар иши», «пахта иши» туфайли орлик ва номуслик кишини бевақт ҳаётдан кўз юмишга олиб келди. У киши бошига тушган мусибат халқ бошига тушган мусибат эди. Минг марта шукурлар бўлсинким, забардаст давлат арбоби, қийинчилик ва машаққатлардан чўчимайдиган ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг мардонавор бошлаган иши туфайли Шароф Рашидовнинг муборак номлари оқланди, «ўзбек иши», «пахта иши» масаласи кун тартибидан олиб ташланди. Шароф Рашидовнинг ажойиб сиймоси меҳнаткаш халқимиз каби менинг қалбимда ҳам абадий сақланади.

• НУҚТАИ НАЗАР

«ГКЧП»дан чиққан қаҳрамон

Собиқ социализмнинг учқур ракеталари-ю, «чирик» капитализмнинг сеҳрли роботлари ҳам одамизодни кўпдан ҳайратлантирмай қўйгани рост. Лекин биринчи чиққан кунидан мени ром этган «Эрк» газетининг 1 апрель сонидаги ушбу луқма ҳайратга солади: **«Демократик кучларнинг йиғинига таклиф этилганим учун ҳам бу ерда қатнашаяпман. Чунки, қарашларим (?), мақсадларим (?) бу ерда айтилган фикрларга тўғри келади...».**

Ўзбекистон демократик қучлари Форумида ўз «қарашлари»нинг ифодасини топган, ниҳоят ўз мақсадига етган бахтиёр инсон ким экан? Уни кўплар танийди, «казо-казо»лар суянчиғимиз деб билади, имоним комилки, сиз ҳам танийсиз. Кўпроқ давлат кишиси сифатида биламиз. Давлат тепасига чиққанида ҳам у давлат бандаси бўлиб қолди.

Мен билган даврада уни ҳамон «МЭР» деб аташади. Энди ҳаммасини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, «демократ» бўлмоқчи! Тавба, қандай қилиб?.. 80-йиллар ўрталарида Сатин бошлиқ сир гуруҳ десантчилар Ўзбекистон пойтахтини забт этганда бизнинг демократ ана шу тарихий шаҳарнинг мэри эди! Хўш, унда бизнинг демократ десантчилар билан ёқавайрон, жиққа мушт бўлгандир, деб ўйлармисиз?

Фактларга мурожаат этамиз. Сатин салтанатининг шаҳар қўмитасида «бюро мажлиси» деган жазо майдончаси бўларди! Бу майдончада кўҳна шаҳарнинг не-не алломалари, академиклари, маданиятимиз гуллари қон қақшамаганмиди! Эллик ёшга ҳам етмаган бир фан доктори ноҳақлик оқибатида шу остонада жон таслим этганда ҳам ҳеч ким бюрони ташлаб кетмаган эди! «Тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлмоқ афзал»лиги негадир ҳеч кимнинг ёдига келмаганди. Нега?

Бизнинг демократнинг бу майдончадаги ўрни қаерда эди? Майдончада чалиб йиқитилган ҳар бир кишининг пешонасига «Рашидовнинг думи», «ўзбек мафияси» ёрлиғини ёпиштирган ўзлари эмасми? Ҳар ким бировга ўзида борини ёпиштиради-да... Бировларнинг думини қирқиб, ўрнига ўз думини таққан ким эди? Сатин салтанатининг бош лашкари наҳотки энди демократлар армиясига қўмондонликни орзу қилиб қолган бўлса?!

Собиқ мэр ўз «мақсадлари ва қарашлари» йўлида ўтмишда ҳам ҳеч нимадан қайтмаган кўринади! Десантчилар кўнглини овлашда ҳам у кишига етадигани бўлмаган. «Қабрларни қўпор, гўрларни яксон қил» деса, қўл қовуштириб тургани ҳам бор. Дин қани, диёнат қани?

Лекин, бизнинг демократ бугунги дин, ислом ғояларига «сиғиниб», мўмин-мусулмонлар бошини нега айлантириб қолди экан? Яна ўша «мақсад», яна ўша «қараш» эмасми? Бу йўлда «чўқиниш»га ҳам тайёр!

Ажабо, бу тарихий шаҳарни худосизлар босиб кетганида бизнинг оятилло—демократ қаерда, қайси бурчакда эди? Марҳумлар руҳига ўқиладиган бир ҳовуч фотиҳа ёки жаноза учун академиклар қувғин остига олинганда-чи? Ўлик чиққан уйдан кўнгил сўрашга қўни-қўшни ботинмай қолган йилларда шаҳар мэри ким эди?

Марҳум Ш. Р. Рашидов руҳи-арвоҳи олдида ҳам қарздорлар кўп. Лекин виждон азоби аллақачон кимларни чиқиратиши керак эди?! Халқ олдида ким аллақачон тавба қилиши керак эди?! Биз айрим ҳолларда ҳуда-беҳуда «марказ»ни, Москвани айблашга берилиб кетганмиз. Бошимизга ёққан қорни ҳам Москвадан кўрувчилар бор. Хўш, марҳум Ш. Р. Рашидовни гўрдан олиб, гўрга солишни «қонунлаштириб» берган аслида ким?! Келинг, яхшиси, бу ҳақда ҳужжатлар сўзласин:

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети

ҚАРОРИ
Ш. Р. РАШИДОВНИ ҚАЙТА ДАФН ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1983 йилнинг ноябрь ойида В. И. Ленин номли шоҳ кўчадаги кичик ҳиёбонга кўмилган Ш. Р. Рашидовнинг жасади қариндошларининг аризасига биноан дафн этилганидан сўнг орадан уч йил ўтганини ҳисобга олиб, **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Ш. Р. Рашидовнинг ҳокини Фаробий кўчасидаги қабристонга қайта дафн этишга рухсат берилсин.

2. Тошкент шаҳар Совети ижроқўми ободонлаштириш Бош бошқармасининг фуқароларга хизмат кўрсатувчи бошқармасига мавжуд меъёрий актларга ва кўрсатмаларга биноан қайта дафн этиш топширилсин.

Ижроқўм раиси

Ш. Р. МИРСАИДОВ.

котиб:

В. Ф. МАНАСТИРЕТСКАЯ.

Десантчилар, кейинчалик ГКЧП қаерда адашса адашгандир, лекин энг машъум ишларни, юмушларни кимга топшириш ва кимга суянишда сира адашмаган!..

Девона кўнгил ўртанса қўймас, дейдилар. Амалпарастлик худди шундай бало. Ўзбекистон ССР Олий Советининг муқобил тарзда ўтган биринчи сессиясида «мени сайланг, мени сайланг!» саҳнасини эсланг: «Агар мени ҳукумат бошлиғи қилиб сайласангиз, бас, Ўзбекистонда газ-сув муаммоси икки йилда ҳал бўлади!» деган жўмард ўша, бизнинг демократ эмасмиди? Шундан кейин икки йилча ҳукумат бошлиғи бўлиб турган «демократ» бирон марта на газ, на сув муаммосини тилга олдими?

Район ва қишлоқлардан халқ депутатлигига сайланган танишларимнинг ўшанда энтикканлари ёдимда! Уларнинг ҳаёлида ҳар бир хонадонда газ ёниб, кўзлари ловулларди! Шариллаб турган водопроводни ўйлаб, оғизларининг суви оқарди! Қишлоқилик қачон қолади, депутат дўстим! Худо берган тезакдан қолманг! Беш йилдан кейин янги депутатлар келади, янги ҳукумат сайланади, ўшанда янгича ваъдалар бўлади! «Демократик шиор» ҳозирча ана шундай!

Бу орада бизнинг демократ вице-президент чўққисига кўтарилди. Ҳукумат гарданидаги ҳамма ваъдалар унутилди! Энди у президент! Бу — президентликка бир қадам дегани! Шу пайтда лоп этиб Московда давлат тўнтариши — ГКЧП юз берди. Худонинг йўл кўрсатгани шу бўлса керак-да: кечаги «вице» бир оқшомда Президент бўлди! Янаевдек қўли қалтироқ, пиёниста мамлакат ички марисидаги СССР Президентини ағдарсаю, узоқ Ҳиндистон сафарида турган, ҳеч нарсадан бехабар Ўзбекистон Президентини қулатиш қийинми? Бир томондан Москов мафияси, иккинчи томондан ўз мафиямиз қўллаб турса! Қолаверса, Президент Янаев Ўзбекистон «вице»сининг кўп йиллик қадрдони ахир! Ол тобоғим, бер тобоғим! Ўртада қанча бўшаган шишалар бор!

ГКЧП бошлиғи билан телефонда сирли отамлашув бошланиб кетди. Бу қўнғироқлар эрта-индин кимнинг ўрни қаерда бўлишигача ҳал этган эди! Афсус!..

Хабардор доираларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Москов мафияси билан Ўзбекистон мафияси хунта кунларини қўшилиб байрам қилган экан... Буёғи бизга қоронғу, бу байрамга таклиф этилганимиз йўқ. Билмаганни — билмадим, кўрмаганни — кўрмадим, деймиз-да.

ГКЧП кунлари Москов кўрсатмаси мантиқан шундай эди:

«Қарашлари» — Москов қарашларига, «мақсадлари» Москов мақсадларига мос тушадиган ким бор Ўзбекистонда? «Отангни қабрини қўпор» деса бобосиникини ҳам қўшиб қўпорадиган ким бор? Дарвоқе, иккинчи сессияда «Эрк»чилар таклиф этган «Мустақиллик Декларацияси»ни бир тийинга қиммат, бир парча қоғоз» деб баҳолаган ким эди? ГКЧПга ким яқин? Ким Московга кўпроқ хайрихоҳ?

Ўзбекистондаги «Москов вакили» ҳам ГКЧП кунлари ким билан бирга бўлиб, кимнинг қўлтиғига киришда сира адашмаган кўринади. Улар тобора қўлдан чиқиб бораётган Ўзбекистонни қайтадан жиловлаб олишни хом хаёл қилишган бўлса ажабмас. Бугун Ўзбекистон демократларининг этагидан тутиб, «қараш»лар ва «мақсад»лар бирлигидан лоф ураётган қаҳрамон ким? Бор-йўғи етти ой муқаддам унинг «қараш»лари ва «мақсад»лари кимлар билан мос тушганлигидан ўз хўшёрлиги билан доимо ажралиб турадиган «Эрк»чилар хабардормикан?

...Ўзбекистон ССРнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон АССРга! СССР вице-президенти ўртоқ Г. И. Янаевнинг СССР Президенти вазифасини бажаришга киришгани ҳақидаги Фармонга асосан, Совет раҳбариятининг СССРнинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳақидаги Баёнотига биноан, СССРда Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг (ГКЧП—изоҳ бизники) совет халқига Мурожаати ва ўртоқ Г. И. Янаевнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларига, БМТнинг Бош котибига йўллаган Мурожаатлари муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг барча ҳудудида СССРда фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси фаолиятини яқдиллик билан ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш топширилсин...

Ўзбекистон ССР вице-президенти

Ш. МИРСАИДОВ.

Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси котиби

А. ЕФИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1991 йил 19 август.

«Ўзбекистон демократик кучлари Форуми»га ГКЧП байроғи нега керак бўлиб қолди? Собиқ вице-президентнинг савлати керакми ёки давлати? Сиёсат учун савлат керак, албатта. Лекин давлат нишонга олинган бўлса, демократларнинг юксак шаънига бу тўғри келармикан? Ҳаром давлат кимга буюрибдики, уларга буюради?! «Ўғри қариса сўфи бўлар» деган нақл бор. ГКЧП қаҳрамони истеъфога чиқса... демократ бўлиб қоладими? Одамнинг лавозими ўзгарса, наҳотки ниқоби ҳам ўзгариши керак?

«Эрк» ва ГКЧП? Уларни ёнма-ён тасаввур қилиб бўладими? Лекин қўлимдаги «Эрк» газети санасига кўзим тушиб, ўйланиб қолдим: наҳотки бу «1 апрель» ҳазили бўлса?!

Туркон ШАРИФ.

СПОРТ

ЮКСАК НАТИЖАЛАР

⊙ ТОШКЕНТДА спорт мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари спартакиадаси дастури бўйича енгил атлетика мусобақалари ўтказилди.

Қишлоқ енгил атлетикачилари баҳсида жамоа ҳисобида Фарғона вилояти ёшлари биринчиликни қўлга киритишди. Андижон ва Наманган вилоятларининг жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Шахсий ҳисобда узунликка сакраш бўйича фарғоналик Зулфия Қозиева 5 метр 15 сантиметрли натижа кўрсатган бўлса, унинг ҳамшаҳри Қудрат Ўрмонов 650 сантиметрли маррани эгаллаб, ғалаба қозонишди. Наманганлик Давлат Алимматов 100 ва 200 метрга югуришда биринчи бўлди. Фарғоналик Баҳодир Тожибоев 800 метрни 2 минут 1,7 секундда босиб ўтди.

МАЙДОН ЭГАЛАРИ ҒАЛАБАСИ

⊙ ФУТБОЛ бўйича олий лига жамоалари Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тур ўйинларини якунлашди.

«Чирчиқ» — «Сўғдиёна» (0:1) ва «Трактор» — «Кимёгар» (1:2) жамоалари учрашуви билан навбатдаги тур ўйинлари тугади. Ҳозир «Темирйўлчи» ва «Пахтакор» жамоалари бештадан очко билан олдинда боришмоқда. «Наврўз» ва «Сўғдиёна» футболчилари ҳисобида тўрттадан очко тўпланди. Бугун навбатдаги тур ўйинлари бўлади.

ШАРҚОНА БЕЛЛАШУВЛАР

⊙ ТОШКЕНТДА спортнинг шарқона турларидан ҳисобланган таэквандо бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди.

200 дан ортиқ ўсмир иштирок этган беллашувлар спортнинг мазкур тури оммавийлашиб бораётганидан далолат берди. Вазнларига кўра қизлар орасида М. Рижкова, С. Шербакова, Е. Ким, С. Шестовой, М. Қурбоновалар ғалаба қозонишди. Ўсмирлардан А. Ким, С. Шербаков, В. Гавриловлар ғолиблик супасига кўтарилишди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

«ГУЛНОРА» КИЧИК КОРХОНАСИ

Енгил автомобиллар ғилдираклари мувозанатини ростлайдиган «ЭЛДИС — 1200» (балансировка) дастгоҳини ва автомобиллар махсус ускуналарини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотади.

Тошкент шаҳридаги 34-25-81 телефони бўйича соат 9.00 дан 18.00 га қадар тегишли маълумот олишингиз мумкин

ЙИЛИГА 20 МИЛЛИОН СЎМ ФОЙДА

Агар сиз «НОУ —ХАУ» фирмасида тайёрланган «СКУ —1» ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олсангиз, қўлга киритадиган фойдангиз шунча сўм бўлади.

Бу такомиллашган қурилиш конструкторлик технологияси ахлатхоналардаги чиқиндиларни қайта ишлаб, пишиқ қурилиш материаллари, гаражлар дала ҳовли уйлари ва якка тартибдаги уйлар бўлаклари ҳамда йўл учун қурилишбоп плиталар тайёрлашда қўл келади.

«СКУ—1» бу текин хом ашё — ахлатхонада ишлайдиган чиқиндисиз ва экологик жиҳатдан ораста ишлайдиган ускунадир. Хомашёни қайта ишлаш жараёнида саралашга ҳожат йўқ. «СКУ — 1» да ҳосил этиладиган бўлаклардан тўрт ишчи бир кунда бешта гараж, ёки 2 та дала ҳовли уйи, ёҳуд битта якка тартибда уй бунёд этиши мумкин. Барча ускунани ташкил этадиган тўрт агрегатни кичикроқ цехда ёки устахонада бемалол тайёрлаш мумкин.

Қурилма соатига 50-60 киловатт электр қувватини сарфлайди. Унинг ишлаши учун 78 квадрат метр (6х13м) ишлаб чиқариш майдони кифоядир. Технологияни тадбиқ этиш учун тахминий харажатлр 120-150 минг сўмни ташкил этади. Ҳужжатлар баҳоси 350 минг сўм + 28 фоиз солиқ.

Технологияни сотиб олиш учун эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 25 кун ичида буюртма бериш мумкин.

Чизма ҳужжатлари ҳисоб счётига пул ўтказилгандан кейин уч кун ичида юборилади.

Технология чизмаларини сотиш юзасидан шартномалар ҳам тузилади.

Бизнинг манзилгоҳимиз ва банк реквизитлари: 746134, Туркманистон Республикаси, Чоржўй вилояти, Сакар посёлкаси, Сакар тижорат ассоциацияси нон заводи. Чоржўй акционерлик тижорат агропромбанкининг Сакар бўлимидаги ҳисоби — 60601. МФО — 390801415

• Турли касб эгалари

ҲАЛОЛЛИКДА ГАП КЎП

Негадир савдо ходимлари ҳақида гап кетганда, кўпинча нопок, юлғич шахслар ҳақида ўйлаш одат бўлиб қолган. Аммо, беш қўл баробар эмас. Шундай инсонлар ҳам борки, ҳаромдан ҳазар қилишади.

Назира опа Мирахмедова ана шундайлардан бири. Опани Янгийўл шаҳрида катта-ю кичик яхши танийди. Унинг номи ҳурмат билан тилга олинади. Иззат-икроми жойида. Бу бежиз эмас. Боиси у «Янгиюльторг»га қарашли 13-озиқ-овқат магазинининг катта сотувчиси. Оз эмас, кўп эмас—умрининг 35 йилини халқ хизматига бағишлади. Бу даврда неча бор тафтиш қилинди, лекин у на камомад, на кўзбўямачиликка йўл қўймади. Шаънига доғ солувчи ноўрин сўз эшитмади. Шунинг учун ҳам ҳамкасблари ўртасида, халқ орасида юзи ёруғ. Ҳалол меҳнат рамзи сифатида орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

— Касбга ихлос ва меҳр хосиятли бўларкан. Одамлар хизматида бўлиши, кўнгил олишлардан рухланиб, хориш нималигини билмайсан киши, — дейди Назира опа суҳбатда. — Назаримда ишни кеча бошлагандайман. Ҳолбуки, орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Янги иш бошлаган даврим-да устозларим «халқнинг ҳақини ейишдан қўрқ», «ҳаромдан хазар қил», деб ўргатишарди. Шу ўгитлар қулоғимда қолган. Ўзимнинг шогирдларим ҳам беҳисоб. Уларга ҳалолликда гап кўп, дейман. Худога шукур, ҳозирча бирортаси юзимни ерга қаратмади. Харидорларнинг менга ишончи йўқолмаса бўлгани. Ҳозирги тақчиллик даврида раҳбарлар билан талашиб-тортишиб бўлса-да озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб турибмиз.

«Фикр ва мулоҳазалар дафтари»да биронта ҳам шикоятни учратмадик. Аксинча Назира опа ва жамоа номига ёзилган ташаккур сўзлари бисёр.

У бунинг устига меҳрибон она, суюкли буви. Икки қизи ҳуқуқшунос, уйли-жойли. Набиралари бувисига парвона.

А. МУРОДОВ.

● Баҳор гашти...

В. ПАНОВ олган сурат.

Муштарий:

...МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

ИРОДАЛИ ХАЛҚ ЕНГИЛМАС

● Халқимиз асрий орзуси — мустақилликка эришди. Энди ўз аравамизни ўзимиз тортадиган бўлдик. Бозор иқтисодиёти шароитида бу анча қийин кечишини кўпчилигимиз ҳис қилиб турибмиз.

Тўғри, жумҳурият ҳукумати ҳам қўл қовуштириб тургани йўқ. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари кўряпти. Айниқса, кам таъминланганлар, кўп болали оилалар, нафақахўрлар, талабалар учун қулай имтиёзли шароитлар яратиляпти.

Яна бир янгилик шундаки, эски Иттифоқнинг бошқа минтақалари, хусусан Россияга нисбатан бизда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи анча арзон. Бунга мен яқинда Владивостока, армия хизматини ўтаётган ўғлимнинг олдига борганимда гувоҳ бўлдим. Ҳамқишлоғим А. Ҳамдамов билан Узоқ Шарқдан Фарғонага поездда қайтдик. Йўл-йўлакай поезд тўхтаган шаҳар станцияларида аҳвол билан танишдик. Очиғини айтганда, у ёқдаги аҳвол бизникидан ўн баробар хароб.

Дўконлар бўм-бўш, озиқ-овқат тақчил. Нархларини айтмайсизми? Новосибирскда бир буханка нон 3 сўму 20 тийиндан 4 сўму 50 тийингача. Бир килограмм колбаса Иркутскда 152 сўм. Нон дўконларининг олдида турнақатор одам. Хуллас, нархларни кўриб оғзимиз очилиб қолди.

Яратганга шукур, бизда нисбатан бўлса-да, тўкинчилик. Дўкону бозорларимизда мева-сабзавот, озиқ-овқат, айниқса нон маҳсулотлари бор. Президентимиз, жумҳурият ҳукумати бу борада саъй-ҳаракатларини аямаяпти, имкон излаб, муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилишга киришмоқда. Энг муҳими, халқимиз иродали, қийинчиликларни ҳамжиҳатлик билан бартараф этишга интиляпти. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам ҳамжиҳатлигимиз кучайиб, мустақиллигимиз мустаҳкамланиб бораверади.

Т. САИДҚУЛОВ,
меҳнат фахрийси. Фарғона вилояти, Ўзбекистон райони.

... ТАКЛИФ ЭТАДИ

Чиқиндидан лампочка

Баъзида ўйланиб қоламан. Анчагина имкониятларимиз бор-у, ишни эплай олмаймиз. Тўғриси, у ёки бу ишни тўлиқ уддалашга қунт қилмаймиз.

Гапим қуруқ бўлмаслиги учун мисол келтираман. Ҳозир кундалик эҳтиёж моллари тақчил. Айниқса, электр асбобларини дўконлардан топиш қийин. Дейлик, лампочкани кундузи шаҳам ёқиб ҳам тополмайсиз.

Хўш, ушбу муаммони ҳал қилса бўладими? Албатта, бўлади. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида барча рўзғорбоп буюмлар сингари электр лампочкалар ҳам етишмасди. Ўшанда уддабурон раҳбарлар халқнинг оғирини енгил қилиш чораларини излаб топишганди. Яъни, ҳар бир районда куйган лампочкаларни созлаш устахоналари очилганди. Бундай устахоналарда арзимаган пулга электр лампочкаларни созлаб беришар ёки янгисига алмаштиришарди.

Фикримча, ушбу анъанани тиклаш пайти келди. Маҳаллий саноат вазирлигига қарашли корхоналар қошида электр ускуналар, жумладан, лампочкаларни ҳам созлаш устахоналари очилса, кўпчиликнинг дўконма-дўкон электр товарлари излаши камаяди.

Ч. МАҲСУМОВ,
Тошкент шаҳри.

ТАНҚИД ҚИЛАДИ

АМАЛИЙ ЁРДАМ КУТАМИЗ

● Хўжалик юритишнинг янгича усулларидан фойдаланиш пайти етиб келди, деб кўпдан буён гапирамиз. Бироқ менимча, бу соҳада ҳали-ҳануз силжиш сезилгани йўқ.

Буни комбинатимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхонамиз жумҳурият Сув хўжалиги қурилиши давлат қўмитасига қарашли бўлиб, иш юритиш режа ва буюртмалари қўмита қошидаги бошқарма кўрсатмаси билан белгиланди. Ишлаб чиқарган маҳсулотимизни ҳам улар тақсимлашади.

Ҳозирги шароитда ўз ишчи-ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш хом ашё ва техника-ускуналарини излаб топиш ҳар бир корхона учун муҳим масалаларнинг бирига айланган. Лекин қўл-оёғинг ипсиз боғлиқ бўлгандан кейин муаммони ҳал қилиш имкони топилмай қоларкан.

Қисқаси, бошқармадагилар мустақил хўжалик юритишда амалий ёрдам берса. Шундай қилинмаса, корхона фаолияти мароми бузилиши мумкин. Очиғи, жумҳурият Сув хўжалиги қурилиши давлат қўмитасидаги мутасадди кишилар бизнинг муаммоларимизга эътибор қаратиб, эркин иқтисодий фаолият учун йўл очиб берсалар, айни муддао бўлур эди.

Б. НАЗАРҚУЛОВ,
Советобод шаҳридаги сув хўжалиги қурилиши материаллари комбинати директори

«КОНТАКТ»

МУҲАНДИСЛИК ТЕХНИКА КОРХОНАСИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Пул-ютуқли компьютерли телевизион ўйин автоматлари:

«МЕВАЛИ-ҒАЛТАК»

«ҚАРТА ЎЙИНИ»

Ўйин автоматларга жетонлар қўшиб берилиши мумкин.

Корхона кафолатли ва кафолатдан кейинги хизматни бажаради.

Бизнинг манзилгоҳ: 700099, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 118-уй.

Телефон: 34-05-21.

«КОНТАКТ»

МУҲАНДИСЛИК ТЕХНИКА КОРХОНАСИ

Ўйин автоматлари учун диаметри 23 миллиметрли жетонларни исталган миқдорда

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Ҳақ нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Ўзбекистон Республикаси 700099, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси 118-уй. Маълумотлар учун телефон: 34-05-21.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 70.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.